

ЧИРОҒИНГИЗ НЕГА ЎҚДИ?

(Боши 1-бетда)
Корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг қарзи бир неча юз миллион сўмдан ошиб кетяпти. Оқибатда вақти-вақти билан, оғохлантириш сифатида электр энергиясини ўчириб қўйиш ҳолатлари кузатилаётди. Бу ҳақда мутасаддиларнинг ўзлари куйидагиларни айтишди.

“Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси Фаргона вилояти дирекцияси бош раҳбари Э.Бобоев:

–Ириқ-йирик корхоналарнинг фойдаланилган электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўламаётганлиги бизни ғоят қийнаб қўймоқда. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган қарори ана шундай нуқсонларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда барча ишларни шу ҳужжатда қайд этилган тартиб-қоидаларга таянган ҳолда олиб бораемиз. Шунингдек, ўз ходимларимиз кучи билан назоратни яхшилаш, ҳўжалик судлари орқали ҳақимизни ундириб олиш чораларини кучайтираверамиз.

Кўн шаҳар электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Сайдахмад Сайдмуродов:

–Шаҳримизда 1800 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари электр энергияси ҳақини вақтида тўламай, иқтисоднинг

барқарор ривожланишига салбий таъсир этмоқда. Шаҳар “Сувоқова” идораси, иссиқлик манбаи корхонаси, Фуркат номли маданият ва истироҳат боғи ҳамда бошқа муассасаларнинг масъулиятсизлиги сабабли электр энергиясидан қарздорлик 300 миллион сўмини ташкил этмоқда. Муаммони бартараф этиш мақсадида кўпгина корхона ва ташкилотлар бўйича тўланган материаллар юзасидан вилот ҳўжалик судига мурожаат этдик. Айрим қарзлар ундириб олинди, лекин бу жараён қийинчилик билан кечаётганди. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорда муаммо ечимининг кўпгина йўли-йўриқлари кўрсатиб ўтилган. Аҳолидан фойдаланилган электр энергияси ҳақини ундиришда шаҳар ҳокимлиги, “Маҳалла” жамғармаси шаҳар бўлими ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бораемиз.

Учкўприк туман электр тармоқлари идораси бошлиғи Абдурахим Холмирзаев:

–Электр энергиясидан фойдаланиб, унинг ҳақини ўз вақтида тўламаётган ҳўжалик, корхона, ташкилот раҳбарларига, хонадон соҳибларига “Еруғи ёқади-ю, пули чақадими?!?” дегим келади. Юзга келган вазият шундай кескин гапиришга мажбур этмоқда. Ҳўжалик, корхона ва ташкилотларнинг электр

энергиясидан қарздорлиги 233 миллион, аҳолиники эса 82 миллион сўмдан зиёдни ташкил қилаётганлигини изоҳлаш ғоят мушкул. “Обод ўлка”, “Наврўз”, Хамза Ҳакимзода номли ширкат ҳўжалик қарздорлар қаторида келишмоқда. Идорамиз ходимлари томошабин бўлиб қараб туришгани йўқ. Ҳақимизни ундириш чораларини кўришяпти. Ҳайдаров номли савдо корхонаси, Қақир матбуот масъулияти чекланган жамияти сингари идоралар бўйича материаллар вилот ҳўжалик судига ҳавола этилганди. Афсуски, уларнинг кўриб чиқилиши анча муддатгача нақсонли солинди. Электр қувватидан ноқонуний фойдаланган шахслардан 449 минг сўм ундириш юзасидан тўланган материаллар туман прокуратурасига ҳавола этилди. Ҳозир ишларни Вазирлар Маҳкамасининг шу масала юзасидан қабул қилган қарори асосида ташкил этаемиз.

Бозор муносабатлари ҳар бир жабаҳа ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширишни тақозо этади. Бу талаб электр энергиясидан фойдаланувчиларга ҳам тўла тааллуқлидир.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
жамоатчи муҳбир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ҲЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

куйдаги Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг Магистрал каналлар (тизимлар) ҳамда ирригация тизими бошқармалари бошлиқлари лавозимига малакали ва таҳрибали мутахассисларни тайинлаш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

I. Бирлашган диспетчерлик марказига эга бўлган Фаргона водийси магистрал каналлари тизими бошқармаси бўйича:

1. Катта Фаргона магистрал канали бошқармаси
2. Катта Андижон магистрал канали бошқармаси
3. Жанубий Фаргона магистрал канали бошқармаси

II. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. Қорадарё-Майлисув ирригация тизими бошқармаси
2. Улуғнор-Мазгил ирригация тизими бошқармаси
3. “Андижонсой” ирригация тизими бошқармаси
4. “Шаҳрихонсой” ирригация тизими бошқармаси
5. “Савой-Оқбура” ирригация тизими бошқармаси

III. Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. Катта Наманган магистрал канали бошқармаси
2. Шимолӣ Фаргона магистрал канали бошқармаси
3. “Норин-Ҳаққулбод” ирригация тизими бошқармаси
4. “Норин-Наманган” ирригация тизими бошқармаси
5. “Подшоота-Чодак” ирригация тизими бошқармаси
6. Оқубоёв номи ирригация тизими бошқармаси

IV. Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. “Норин-Фаргона” ирригация тизими бошқармаси
2. “Исфайрам-Шоҳимардон” ирригация тизими бошқармаси
3. “Сўх-Оқтепа” ирригация тизими бошқармаси
4. “Исфара-Сирдарё” ирригация тизими бошқармаси

V. Чирчиқ-Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. Тошкент магистрал канали бошқармаси
2. “Бўзсув” ирригация тизими бошқармаси
3. “Паркент-Қорасув” ирригация тизими бошқармаси
4. “Охангарон-Далварзин” ирригация тизими бошқармаси
5. Тошкент шаҳар сув ҳўжалиги бошқармаси

VI. Куйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. Жанубий Мирзачўл магистрал канали бошқармаси
2. “Шўрўзак-Сирдарё” ирригация тизими бошқармаси
3. “Бобойв-Арнасой” ирригация тизими бошқармаси
4. “Учтоқ” ирригация тизими бошқармаси
5. “Ховос-Зомин” ирригация тизими бошқармаси

VII. Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. “Зарафшон” магистрал тизими бошқармаси
2. “Туятортар-Қли” ирригация тизими бошқармаси
3. “Мирза-Пай” ирригация тизими бошқармаси
4. “Дарғом” ирригация тизими бошқармаси
5. “Эски Ангор” ирригация тизими бошқармаси
6. “Оқ-Қорадарё” ирригация тизими бошқармаси
7. “Мианкал-Тос” ирригация тизими бошқармаси
8. “Кармана-Қонимех” ирригация тизими бошқармаси
9. “Нарпай-Навоий” ирригация тизими бошқармаси

VIII. Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. “Сурхондарё” магистрал тизими бошқармаси
2. “Тўпаланг-Қоратог” ирригация тизими бошқармаси
3. “Сурхон-Шербод” ирригация тизими бошқармаси
4. “Аму-Занг” ирригация тизими бошқармаси

XI. Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. “Қашқадарё” магистрал тизими бошқармаси
2. “Миршор” ирригация тизими бошқармаси
3. Қарши магистрал канали ирригация тизими бошқармаси
4. “Оқсув” ирригация тизими бошқармаси
5. “Яқабғор-Фузор” ирригация тизими бошқармаси

X. Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. “Аму-Қорақўл” ирригация тизими бошқармаси
2. “Шоҳруд-Дўстлик” ирригация тизими бошқармаси
3. “Хархур-Дубоа” ирригация тизими бошқармаси
4. “Тошрабат-Жилвон” ирригация тизими бошқармаси
5. “Тошрабат-Уртачўл” ирригация тизими бошқармаси

XI. Куйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўйича:

1. “Тошсоқа” ирригация тизими бошқармаси
2. “Полвон-Ғазовот” ирригация тизими бошқармаси
3. “Шовот-Кулават” ирригация тизими бошқармаси
4. “Караман-Қиличбой” ирригация тизими бошқармаси
5. “Мангит-Назархон” ирригация тизими бошқармаси
6. “Суэли” ирригация тизими бошқармаси
7. “Пахтаарна-Найман” ирригация тизими бошқармаси
8. “Қуваншарма” ирригация тизими бошқармаси
9. “Қизқатган-Кегайли” ирригация тизими бошқармаси
10. “Каттағар-Бузатов” ирригация тизими бошқармаси
11. Оролбўйи дельта бошқармаси

Танловда қатнашувчи номзодлар соҳа бўйича олий маълумотга, мутахассислиги бўйича 12 йилдан, шу жумладан раҳбарлик лавозимига 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши лозим. Танловда қатнашувчиларнинг ҳужжатлари эълон чиққан кундан бошлаб беш кун муддат ичида қабул қилинади.

Танлов бўйича кўшимча шартлар билан танишиш ва бошқа маълумотлар олиш бўйича Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 4-уй, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 28-хонасига ёки 41-27-20 ва 41-52-14 рақамли телефонларга мурожаат қилиш мумкин.

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Замон ЭШОНҚУЛОВ)

Мамлакатимизда фермерчиликни янада ривожлантиришга нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам муайян ҳисса қўшмоқда. «Янги юртки технологиялар» тараққиёт маркази шулардан биридир.

УЛАР АҚШГА БОРАДИ

Ўтган йили ташкил этилган мазкур марказнинг мақсади ўзбекистонлик турли соҳа ходимларининг ривожланган давлатлардаги замонавий технологияларни ўрганиши ва қўллашга қўмаклашишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда ушбу марказ АКШнинг «KELI GLOBAL GROUP Inc.» компанияси билан ҳамкорликда АКШ давлат департаментининг Алмашув дастури асосида мамлакатимиз ёш фермерларининг ушбу давлатда муайян муддатда ишлаш ва малака оширишини кўзда тутувчи бун йиллик дастурни амалга оширяпти.

Ҳозирга қадар ушбу дастурга мувофиқ ўтказилган танловда сараланган йиғирмадан зиёд ёш фермер АКШда малака оширяпти. Навбатдаги танловда эса ўттизга яқин номзод қатнашяпти. Улар хоржий мутахассислар томонидан америкалик фермерлар талаблари асосида тўзилган тест, чорвачилик фермасида амалий машғулот, тил билиш даражаси бўйича синовдан ўтказилмоқда. Танлов ғолиблари АКШга йўл олади.

“ЖИЗЗАХДОНМАҲСУЛОТ” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
27 август соат 15.00 да маъмурий бинонинг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

1. Бошқарув раисининг ярим йиллик иш фаолияти ҳисоботи;
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи;
3. Тафтиш комиссиясининг таркибини қайта сайлаш;
4. Акциядорлик жамиятининг Уставини ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
5. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

“ЗАРБДОР ЭЛЕВАТОРИ” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
28 август кун соат 11.00 да маъмурий бинонинг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

1. Жамият раисининг ярим йиллик фаолияти тўғрисида ҳисоботи;
2. Жамиятнинг Устав фондини 50,0 минг АҚШ доллариға тенг миқдорға етказиш масаласи;
3. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва янги таркибини қайта сайлаш;
4. Жамият Уставини ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни қайта тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш;
5. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш;
6. Бошқа масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Офтобнинг олов сели буталарни ялайди. Узун бўйли Хосият Исхакова дала кезади. Кун пешиндан оққан бўлса-да, беқарор шамол ёвшанларни юлиб отгудек забтига олади. Аёл эса эътибор бермайди. Ўз иши билан банд.

ҲАЛОЛ ЛУҚМАННИНГ ЛАЗЗАТИ

–Далага ёшликдан меҳрим тушган. Қирқ икки йил сувчилик қилдим. Турмуш ўртоғимни Ҳалол бригадари дейишарди (худо раҳматига олган бўлсин), – дейди Хосият опа. – У киши билан бирга ишлардик. Турмуш қурдик. Беш ўғил, икки қизни воёга етказдик. Шукри, бировдан кам бўлмадик.

Ҳажон ака бир неча йил муқаддам оғир дардга чалиниб қолди. Қўрсатмадан дўхтир-у табиблари қолмади. Фойда бермади. Тақдирга ризо бўлишдан бошқа чора йўқ экан. Бошчиликни аёл ўз бўйнига олди.

–Кўй, онаси, бунақа ишни бажаролмайсан, қийналасан, – деди Ҳажон ака.

–Болаларим, ёнимда-ку, улар ёрдам беришадди. – деди аёл ва ишга киришиб кетди.

Олти йил муқаддам Хосият Исхакова фермер ҳўжалиги ташкил этиб, эрининг номини берди: “Ҳажон”.

–Бу йил ўн гектар ерда галла етиштириб, унинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтардик, – деди фермер опа. – 26 тонна донни давлатга топширдик, қолган 14 тонна галланинг бир қисмини одамларга тарқатдик.

Хосият опанинг саховатпешалигини кўпчилик яхши билади. У ўзининг азгу ишларини давом эттириб, мактабга моддий ёрдам кўрсатди. Қўрғонда янги қазилган ер ости сув насоси учун 150 минг сўм маблағ ажратди. Опанинг оила аъзолари

соли йиғирма кишига етади. Улар бир қозондан овқатланади.

–Болаларимнинг бари меҳнатқаш, муштини бир жойга қўйиб ишлашади. Ҳаммаси қаватимга қияриб, оғирини енгил қилишяпти. Ер қадрига Беш ўғил, икки қизни воёга ўзидан юришиб бормоқда, – дейди фермер опа сўзида давом этиб.

Бу тиниб-тинчимас аёл келгуси йили бир гектар ерга меваги бог барпо қилиш режасини тўзиб қўйган. Бу йил 20 сотих ерда помидор етиштирди.

Онахоннинг катта ўғли Давлат Зарафшон шахридаги темир йўл станциясида хизмат қилади. Тўймурад, Холмурод, Азизхон исмли ўғиллари, келинлари ва қизлари фермер ҳўжалиги имкониятларини ишга солиш билан банд.

–Ер – ҳазина. Ундан олинган доннинг ўн тоннаси ўзимда қолди, уни теғирмонда уни қилиб оляпмиз. Агар етти тонна уни сотсак, уч миллион сўм атрафида даромад оламиз. Бунинг устига уч бош сирғимиз, қўйимиз бор, – дейди Хосият опа.

Чўлини галга буркаётган фермердан бугунги муаммолар ҳақида сўрадик.

–Техника харажати катта, – дейди ҳамсўбатимиз, – мазалан, ўн гектар ернинг домини ўриш учун 530 минг сўм пул сарфладик. Бунинг устига мўл ҳосил олиш учун ерни шудроллаш, суғориш, ўғитлаш лозим. Бу хизматларнинг ўзи бўлмайди.

Ҳ.ЭШОНҚУЛОВ

МЎЛЖАЛ-ЎН МИЛЛИОН

Сайхунбод туманидаги “Туркистон” фермер ҳўжалиги галлаларини 36 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан галла ҳосили олишди.

2002 йилда фермерлар етти миллион сўм соф фойда олганди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични иш миллион сўмга етказишни мўлжаллашмоқда.

“Туркистон”ликлар галла ўрми йиғимини тугаллаб, 40 гектар майдондаги гўза парварчиға қизгин киришдилар.

“Туркистон-пресс”

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИКЛАРИ СОҲИБЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН! ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҶАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг.

“Ўзқишлоқ ҳўжалик-машҳолдинг” компанияси таркибидаги “Агрихим” Ўзбекистон-Италия кўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар “Ўзстандарт” агентлиги томонидан сертификатла берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй.

Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.

Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.

“БАХМАЛ ДОН ҚАБУЛ ҚИЛИШ” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
29 август кун соат 11.00 да маъмурий бинонинг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

1. Жамият раисининг ярим йиллик фаолияти тўғрисида ҳисоботи;
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи;
3. “Баҳмал дон қабул қилиш” АЖИ масъулияти чекланган жамиятига айлантириш тўғрисида;
4. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
5. Бошқа масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

“ДЎСТЛИК ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
29 август кун соат 11.00 да маъмурий бинонинг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

1. Бошқарув раисининг ярим йиллик иш фаолияти ҳисоботи;
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи;
3. Тафтиш комиссиясининг таркибини қайта сайлаш;
4. Акциядорлик жамиятининг Уставини ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни қайта тасдиқлаш;
5. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

“ЗАРБДОР ЭЛЕВАТОРИ” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
28 август кун соат 11.00 да маъмурий бинонинг мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА:

1. Бошқарув раисининг ярим йиллик иш фаолияти ҳисоботи;
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи;
3. Тафтиш комиссиясининг таркибини қайта сайлаш;
4. Акциядорлик жамиятининг Уставини ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни қайта тасдиқлаш;
5. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ЖУРНАЛИСТНИ НЕГА ЎЛДИРИШДИ?

Догистоннинг Гумбетов туманида Койсу дарёси бўйидан Чеченистонга юборилган чех журналисти Кравс Мартиннинг жасади топилган.

Экспертларнинг ҳулосасига кўра жасад икки сутка давомида сув ичида ётган. Тезкор маълумотларга кўра, Мартин Чеченистонга ўтиш учун дастлаб Доғистоннинг Ботлих туманига келган эди. Доғистон Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Абдулманат Мусаевнинг билдиришича, Ботлих туманида истикомат қилувчи Магомед Гитиномагомедов ва Аҳмад Магомедовлар қотилликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган. Уларнинг уйдаи марҳумнинг машинаси ва шахсий буюмлари топилган, ҳуқуқ-тартибот органлари ана шундай қарорга келишган.

СОБИҚ ҲАРБИЙНИНГ ҲАЛОКАТИ

Британиянинг Sky TV телеканали тарқатган хабарларга кўра, Ироқнинг Басра шаҳри марказида асли непаллик бўлган Британиянинг собиқ ҳарбийларидан бири отиб ўлдирилди.

Америка маъмуриятига кўра, истеъфодаги ҳарбий БМТ ваколатхонаси жойлашган бинога почта жўнатмаларини олиб бораётган чоғида уч нафар ироқлик унинг машинасини тўхтатишга уринган. Хайдовчи уларга эътибор қилмай, ўтиб кетганида унга қарата уч бор ўқ узишган ва уни ярадор қилишган. Непаллик тиббий ёрдам кўрсатиш учун маъмурий бинога олиб кетилаётганда вафот этади

